

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ФАРИДЖОН АНАРБОЕВИЧ

СУРУНКАЛИ БАВОСИЛНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН
ДАВОЛАШДА УЛЬТРАТОВУШЛИ СКАЛЬПЕЛНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК АСОСЛАШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Шарипов Фариджон Анарбоевич

Сурункали бавосилни жарроҳлик йўли билан даволашда

ультратовушли скальпелнинг самарадорлигини клиник асослаш..... 3

Шарипов Фариджон Анарбоевич

Клиническое обоснование эффективности ультразвукового скальпеля

в хирургическом лечении хронического геморроя..... 23

Sharipov Faridjon Anarboevich

Clinical justification of the effectiveness of an ultrasound scalpel in the

surgical treatment of chronic hemorrhoids..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works..... 48

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ФАРИДЖОН АНАРБОЕВИЧ

СУРУНКАЛИ БАВОСИЛНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН
ДАВОЛАШДА УЛЬТРАТОВУШЛИ СКАЛЬПЕЛНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК АСОСЛАШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.4.PhD/Tib6539 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Хўжабаев Сафарбой Тухтабаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Даминов Феруз Асадуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Рахманов Қосим Эрданович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмирина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Геморроидал касаллик беморларнинг ҳаёт сифатига ва соғлиқни сақлаш тизимида ижтимоий-иқтисодий юкламага сезиларли таъсир кўрсатадиган энг кенг тарқалган проктологик патологиялардан бири бўлиб қолмоқда. «...Халқаро тадқиқотлар маълумотларига кўра, катта ёшдаги аҳолининг 40-50 фоизигача геморройнинг клиник кўринишларига дуч келади ва жарроҳлик амалиётини талаб қиладиган касалликнинг III-IV босқичидаги беморларнинг улуши ҳар йили ортиб бормоқда...»¹. Жаҳон проктологиясининг замонавий тенденцияси жароҳатланиш ва операциядан кейинги асоратларни минималлаштириш, тикланиш муддатларини қисқартириш ва функционал натижаларни яхшилашга қаратилган. Ультратовуш технологиялари тўқималарнинг аниқ диссекциясини, назорат қилинадиган коагуляцияни таъминлаш ва операция пайтида қон йўқотишни камайтириш қобилияти туфайли алоҳида ўрин тутаяди. Кесиш режимидаги латерал ультратовушли диссекция классик геморроидектомия ва замонавий энергия платформаларининг афзалликларини ўзида мужассам этган истиқболли, янада эҳтиёткор ва самарали усул сифатида кўрилади, бу эса унинг клиник қийматини янада илмий асослашни талаб этади.

Ўзбекистонда геморроидал касаллик тўғри ичак касалликлари орасида етакчи ўринни эгаллайди, бу туман, шаҳар ва республика клиникаларининг жарроҳлик ва проктология бўлимларига беморлар мурожаатининг барқарор ўсиши билан тасдиқланади. Анъанавий геморроидектомия усуллари (Миллиган-Морган, Фергюсон) кенг қўлланилишига қарамай, операциядан кейинги оғриқ синдроми, жароҳатларнинг секин битиши, инфекцион асоратлар ва узоқ муддатли меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатлари юқори даражада сақланиб қолмоқда. Кесиш режимида латерал ультратовушли диссекцияни қўллаш бўйича маҳаллий тадқиқотларнинг чекланганлиги ва ундан фойдаланиш бўйича стандартлаштирилган ёндашувларнинг йўқлиги мамлакатнинг замонавий колопроктология хизматини ривожлантириш учун ушбу усулнинг самарадорлигини асослашнинг муҳим илмий ва амалий аҳамиятини белгилайди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга

¹ Sarimbek Navruzov, Bekhzod Navruzov, Nigora Khodzhimukhamedova, Abduvali Khakimov, Sorabek Rakhmonov, Uygunjon Vokhidov // Modern minimally invasive approaches in the surgical treatment of hemorrhoids. Journal of Education and Scientific Medicine №1 Pp. 72-78

қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»². каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали геморрой кенг тарқалган касалликлардан бўлиб, унинг III–IV босқичларида эксцизион геморроидэктомия асосий радикал даволаш усули ҳисобланади. Бу масала ESCP, ASCRS ва SICCR тавсияларида, шунингдек, Gardner I.H., Siddharthan R.V., Tsikitis V.L. Benign ишларида (2020) кенг ёритилган. Анъанавий геморроидэктомиyanинг асосий камчиликлари — операциядан кейинги кучли оғриқ, узоқ реабилитация ва асоратлар частотаси ҳануз долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Операция травматиклигини камайтириш мақсадида биполяр томир герметизацияси, ультратовуш скальпели ва лазер коагуляцияси жорий этилган. E.K. Tan, C.C. Chung, C. Mushaya ва бошқалар (2016) тадқиқотларида энергетик усуллар қон йўқотиш, операция давомийлиги ва эрта оғриқни камайтириши кўрсатилган. Л.М. Хмылов ультратовуш диссекциясида коагуляцион некроз чуқурлиги электрокоагуляцияга нисбатан камлигини морфологик жиҳатдан асослаган. Бироқ айрим тадқиқотларда латерал иссиқлик тарқалиши туфайли оғриқнинг кучайиши ва яра битишининг секинлашиши қайд этилган.

D.N. Armstrong, J.J. Tan, F. Seow-Choen, S. Khan, D.R. Lim ва K. Yu (2019) ишларида ультратовуш геморроидэктомиyasининг самарадорлиги анъанавий усуллар билан таққосланган. Афзалликлар монополяр электрокоагуляцияга нисбатан яққол бўлса-да, замонавий биполяр қурилмалар билан таққослаганда камроқ намоён бўлган. Тадқиқотларда операция техникаси ва натижаларни баҳолаш мезонларининг турличалиги маълумотларни умумлаштиришни қийинлаштиради. Шунингдек, ультратовуш геморроидэктомиyasининг ёпувчи аппарат функционал ҳолатига таъсири, узоқ муддатли натижалари ва беморлар ҳаёт сифати етарлича ўрганилмаган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Сурункали бавосил билан оғриган беморларни ультратовушли скальпель ёрдамида жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан бажариладиган геморроидэктомияда интраоперацион кўрсаткичларни (операция давомийлиги, қон йўқотиш ҳажми) ва тўқималарнинг термик шикастланиш чуқурлигини электрокоагуляция қўлланилган Миллиган–Морган операцияси билан таққослаб ўрганиш;

таққосланаётган усулларда операциядан кейинги оғриқ синдромининг ифодаланганлиги, аналгетикларга бўлган эҳтиёж, яра жараёнининг кечиши ва тўғри ичак ёпувчи аппаратининг функционал ҳолатини баҳолаш;

таққосланаётган хирургик даволаш усулларида операциядан кейинги асоратлар частотаси, реабилитация муддатлари, ҳаёт сифати ҳамда касаллик рецидив частотаси билан узок муддатли натижаларни ўрганиш;

латерал ультратовуш диссекциясини қўллаган ҳолда сурункали геморройнинг III–IV босқичини хирургик даволаш алгоритмининг ва уни қўллаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникасида (колопроктология бўлими) режали жарроҳлик йўли билан даволанган III–IV босқичдаги сурункали геморрой билан касалланган 161 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқотнинг предмети геморроидэктомияда кесиш режимида латерал ультратовушли диссекцияни қўллаш самарадорлигини баҳолашдан иборат: интраоператсион кўрсаткичлар, тўқималарнинг термик шикастланиш чуқурлиги, операциядан кейинги оғриқ синдромининг ифодаланиши ва анальгетикларга бўлган эҳтиёж, жароҳатларнинг битиш муддати, тўғри ичак ёпувчи аппаратининг функционал ҳолати, асоратлар частотаси, реабилитация муддатлари, ҳаёт сифати ва касалликнинг қайталаниш частотаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда клиник, инструментал, функционал, морфологик ва статистик усуллар мажмуасидан фойдаланилган. Клиник текширув кўрсатмаларга кўра ташқи кўрик, тўғри ичакни бармоқ билан текшириш, аноскопия, ректороманоскопия ва колоноскопияни ўз ичига олди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан бажариладиган геморроидэктомияга клиник-морфологик асос берилган: тугунни латерал текислик бўйича тигнинг ўткир қирраси билан ажратиш коагуляцион некроз чуқурлиги монополяр электрокоагуляциядагидан 2,9 марта кам (0,82 га нисбатан 2,37 мм) бўлиши, яқин тўқималар шикастланишининг қайтувчан характери билан кечиши аниқланган;

латерал ультратовуш диссекциясида тўқималарнинг термик шикастланиш чуқурлигининг камлиги операциядан кейинги оғриқ синдроми ифодаланганлиги ва аналгетикларга эҳтиёжнинг камайиши, операциядан кейинги яраларнинг тезроқ битиши ҳамда узоқ муддатли даврда ички сфинктер тонусининг камроқ пасайиши билан кечиши аниқланган;

латерал ультратовуш диссекциясида травматикликнинг, операциядан кейинги асоратлар частотасининг ва реабилитация муддатларининг камайиши касаллик рецидивни частотасини ошириш ҳисобига эмаслиги исботланган;

интраоперацион босқичлар кетма-кетлиги ва беморларни операциядан кейин юритиш тактикаси курсатмалари асосида кесиш режимида латерал ультратовуш диссекциясини қўллаган ҳолда сурункали геморройнинг III–IV босқичини хирургик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан бажариладиган геморроидэктомия усули ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди, операция давомийлигини 1,6 марта (21,8 га нисбатан 34,7 дақиқа) ва интраоперацион қон йўқотиш ҳажмини 2,8 марта (24,6 га нисбатан 68,3 мл) қисқартиришни таъминлайди;

усулнинг асосий техник шартлари белгиланди: тугунни латерал текислик бўйича тигнинг ўткир қирраси билан ажратиш, томир оёқчаси гемостазини тигнинг кенг юзаси билан 8–12 сония экспозицияда тикувсиз коагуляция қилиш, 0,5–1,0 см тери-шиллик кўприкчаларини сақлаш ва яраларни очиқ юритиш;

беморларни ўртача тахминан 2,8 кунлик стационар даволаш муддати билан эрта чиқариш ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни 12,7 кунгача қисқартириш имконияти асослаб берилди;

ишлаб чиқилган алгоритм усулни колопроктология бўлимлари шароитида сурункали геморройнинг III–IV босқичида танлов операцияси сифатида тавсия этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геморроидэктомияда кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси самарадорлигини комплекс клиник-

морфологик асослашдан иборат: ультратовуш энергиясининг тўқималарни кесиш хусусиятига, термик шикастланиш ҳажмига (коагуляцион некроз чуқурлиги 0,82 га нисбатан 2,37 мм; $p < 0,001$) ва операция жароҳатининг битиш тезлигига таъсири ҳақида янги маълумотлар олинган, бу эса замонавий колопроктологияда энергияга боғлиқ усулларни танлаш тамойилларини такомиллаштириш учун илмий асос яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, усулнинг жорий этилиши жарроҳлик ёрдами сифатини сезиларли даражада ошириш имконини беради: қон йўқотишни камайтириш, операциядан кейинги оғрик синдромининг ифодаланишини ва анальгетикларга бўлган эҳтиёжни (1,9 баравар) камайтириш, яраларнинг эпителизациясини тезлаштириш (21,6 га қарши 31,9 кун), стационарда қолиш муддатини ва асоратлар частотасини қисқартириш (12,4% га қарши 36,1%), аралашувнинг радикаллигини сақлаб қолган ҳолда, бу гемorroидал касалликни жарроҳлик йўли билан даволашга ёндашувни стандартлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши. Сурункали бавосилни жарроҳлик йўли билан даволашда ультратовушли скальпелнинг самарадорлигини клиник асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан бажариладиган гемorroидэктомияга клиник-морфологик асос берилган: тугунни латерал текислик бўйича тигнинг ўткир қирраси билан ажратиш коагуляцион некроз чуқурлиги монополяр электрокоагуляциядагидан 2,9 марта кам (0,82 га нисбатан 2,37 мм) бўлиши, яқин тўқималар шикастланишининг қайтувчан характери билан кечиши аниқланган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 03.02.2026 йилдаги 6-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган «Сурункали бавосилни хирургик даволашда миниинвазив усуллар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (25.02.2026 й. 1397-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.02.2026 й. 100-U-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 29.04.2026 й. 07/41-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: олиб ташланган гемorroидал тугунлардаги патоморфологик ўзгаришларнинг таҳлили ультратовуш тиги ишчи қисмининг тебраниш амплитудаси энг юқори даражасидан (кесиш режими) фойдаланиш тўқималарга термик таъсирни сезиларли даражада камайтиришини, коагуляцион некроз чуқурлигини 2,9 марта (0,82 мм га нисбатан 2,37 мм) қисқартиришини ва яқин тўқималар шикастланишининг қайтувчан характерини таъминлашини кўрсатди. Иқтисодий самарадорлиги: монополяр электрокаутер билан Миллиган–Морган операциясида беморларни стационар шароитда даволаш одатда ўртача 7–10 кун учун 7625400 сўмни, барча лаборатор-инструментал текширишлар эса жами 975650 сўмни ташкил этади; миниинвазив ёндашув ёрдамида операция қилинганда стационар даволаш 2 кунга қисқариб, бир бемор учун

иктисодий кўрсаткич 3876450 сўмни ташкил этади. Хулоса: кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан геморроидэктомияни қўллаш тўқималарнинг коагуляциян некрози чуқурлигини монополяр электрокоагуляцияга нисбатан 2,9 марта (0,82 га нисбатан 2,37 мм) статистик жиҳатдан ишончли камайтириш билан кечади.

иккинчи илмий янгилик: латерал ультратовуш диссекциясида тўқималарнинг термик шикастланиш чуқурлигининг камлиги операциядан кейинги оғриқ синдроми ифодаланганлиги ва аналгетикларга эҳтиёжнинг камайиши, операциядан кейинги яраларнинг тезроқ битиши ҳамда узоқ муддатли даврда ички сфинктер тонусининг камроқ пасайиши билан кечиши аниқланган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 03.02.2026 йилдаги 6-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган «Сурункали бавосилни хирургик даволашда миниинвазив усуллар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (25.02.2026 й. 1397-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.02.2026 й. 100-U-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 29.04.2026 й. 07/41-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан геморроидэктомия операциядан кейинги оғриқ синдроми интенсивлигини ва аналгетикларга бўлган эҳтиёжни камайитириши, операциядан кейинги яраларнинг тезроқ битишини таъминлаши ҳамда узоқ муддатли даврда ички сфинктер тонусини яхшироқ сақлаши аниқланди, бу беморнинг анал ушлаб туриш функциясини сақлашга ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: оғриқ синдромининг камайиши ва яраларнинг эртароқ битиши дори-дармонлар ҳамда боғлов материаллари харажатларини қисқартиради; ижобий натижалар 2 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 15024100 сўмни ташкил этади. Хулоса: кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан геморроидэктомия монополяр электрокоагуляцияга нисбатан операциядан кейинги эрта даврнинг енгилроқ кечишини, аналгетикларга эҳтиёжнинг камайишини ва узоқ муддатли даврда ички сфинктер тонусининг яхшироқ сақланишини таъминлайди.

учинчи илмий янгилик: латерал ультратовуш диссекциясида травматикликнинг, операциядан кейинги асоратлар частотасининг ва реабилитация муддатларининг камайиши касаллик рецидиви частотасини ошириш ҳисобига эмаслиги исботланган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 03.02.2026 йилдаги 6-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган «Сурункали бавосилни хирургик даволашда миниинвазив усуллар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (25.02.2026 й. 1397-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.02.2026 й. 100-U-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ

хузуридаги Илмий техник кенгашининг 29.04.2026 й. 07/41-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан геморроидэктомия операциядан кейинги асоратлар частотасини (19,4% га нисбатан 4,5%, $p < 0,05$) ва реабилитация муддатларини камайтириб, шу билан бирга касаллик рецидив частотасини оширмаслиги аниқланди, бу аралашувнинг радикаллиги сақланганини кўрсатади. Иқтисодий самарадорлиги: асоратлар частотасининг тубдан қисқариши ва реабилитация муддатларининг камайиши натижасида асосий гуруҳ беморларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар 25% га тежалди. Хулоса: кесиш режимида латерал ультратовуш диссекцияси билан геморроидэктомия Миллиган–Морган операциясига нисбатан асоратлар ривожланишининг паст частотаси (4,5% га нисбатан 19,4%, $p < 0,05$) ва беморларнинг тезлаштирилган реабилитацияси билан кечиб, аралашувнинг радикаллигини сақлайди.

тўртинчи илмий янгилик: интраоперацион босқичлар кетма-кетлиги ва беморларни операциядан кейин юритиш тактикаси кўрсатмалари асосида кесиш режимида латерал ультратовуш диссекциясини қўллаган ҳолда сурункали геморройнинг III–IV босқичини хирургик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва бу бўйича тавсиялар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 03.02.2026 йилдаги 6-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган «Сурункали бавосилни хирургик даволашда миниинвазив усуллар» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими марказий шифохонаси (25.02.2026 й. 1397-7-107-ТВ/2026-сон буйруғи) ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.02.2026 й. 100-U-сон буйруғи) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ хузуридаги Илмий техник кенгашининг 29.04.2026 й. 07/41-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган алгоритм III–IV босқичдаги сурункали геморрой билан оғриган беморларни юритиш кўрсатмалари, интраоперацион техника ва операциядан кейинги тактикани белгилаб, жарроҳлик ёрдами сифатини ошириш, реабилитацияни тезлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: хирургик тактикани стандартлаштириш такрорий аралашувлар сонини ва асоратлар билан боғлиқ қўшимча харажатларни камайтиради; реабилитация муддатларининг қисқариши туфайли беморларни даволашга кетадиган умумий ўртача харажат 15855450 сўмни ташкил этиб, йиллик иқтисодий кўрсаткич бюджет маблағларини 25% гача тежашга олиб келади. Хулоса: ишлаб чиқилган алгоритмнинг жорий этилиши III–IV босқичдаги сурункали геморройда кесиш режимида латерал ультратовуш диссекциясини танлов усули сифатида тавсия этиш ҳамда даволашнинг функционал ва узоқ муддатли натижаларини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 4 таси Республика ва 1 таси хорижий журналда мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матнли материалнинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети таърифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, апробацияси ва эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби — «Сурункали геморройни жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)»** — деб номланади. Геморрой кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, унинг тарқалиши 4,4% дан 86% гача ўзгаради. Халқаро сўровларда геморроидал касаллик катталарнинг тахминан 11% ида, эндоскопик текширувларда эса 39% ҳолатда аниқланган бўлиб, уларнинг қарийб ярми симптомсиз кечган. 190 мингдан ортиқ аҳоли иштирок этган корейс тадқиқотида тарқалиш 16,6% ни ташкил этиб, ёш ортиши билан кўпайган. III–IV босқичларда эксцизион геморроидэктомия асосий радикал усул ҳисобланса-да, операциядан кейинги кучли оғриқ, узок реабилитация ва асоратлар долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Операция травматиклигини камайтириш учун биполяр томир герметизацияси, ультратовуш скальпели ва лазер коагуляцияси қўлланилиб, улар қон йўқотиш, операция давомийлиги ва эрта оғриқни камайтириши кўрсатилган. Морфологик тадқиқотларда ультратовуш диссекциясида коагуляцион некроз чуқурлиги электрокоагуляцияга нисбатан камлиги аниқланган. Бироқ тугунни латерал текисликда тигнинг ўткир қирраси билан кесиб ажратиш усули етарлича клиник-морфологик асосланмаган ва унинг Ўзбекистон клиник амалиётида қўлланилиши бўйича маълумотлар деярли мавжуд эмас. Ушбу ҳал этилмаган масалалар тадқиқот мақсади ва вазифаларини белгилаб берди.

Диссертациянинг **иккинчи боби — «Тадқиқот материаллари ва усуллари»** — деб номланади. Тадқиқот 2020–2024 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникасининг колопроктология бўлимида III–IV босқичдаги сурункали геморрой билан режали операция қилинган 161 нафар беморни қамраб олган қиёсий проспектив клиник тадқиқотдир. Асосий

гурухда 89 нафар беморга латерал ультратовуш диссекцияси билан геморроидэктомия, назорат гуруҳида 72 нафар беморга монополяр электрокоагуляция ёрдамида Миллиган–Морган операцияси бажарилди. Иккала усул ҳам очик, жароҳатларни тикмасдан бажарилиб, гуруҳлар ўртасидаги асосий фарқ тўқималарга энергетик таъсир туридан иборат бўлди. Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган.



1-расм. Тадқиқот дизайни схемаси.

Қиёсий таҳлилнинг тўғрилигини таъминлаш учун гуруҳлар жинси, ёши, касаллик босқичи, анамнез давомийлиги ва тана вазни индекси бўйича дастлабки ҳолати таққосланди.

Олинган маълумотларга кўра, гуруҳлар барча дастлабки кўрсаткичлар бўйича таққосланади (барча параметрлар учун $p > 0,05$). Иккала гуруҳда ҳам меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар, 41–60 ёшли беморлар ва касалликнинг III босқичи устунлик қилди (1-жадвал). Гуруҳларнинг клиник жиҳатдан бир хиллиги даволаш натижаларидаги фарқларни асосий омил — кесиш ва гемостазда тўқималарга энергетик таъсир тури билан боғлаб баҳолаш имконини берди.

1-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларининг дастлабки клиник қиёсийлиги

Кўрсаткич	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	p
Эркаклар	57 (64,0%)	45 (62,5%)	>0,05
Аёллар	32 (36,0%)	27 (37,5%)	>0,05
18–40 ёш	24 (27,0%)	18 (25,0%)	>0,05
41–60 ёш	46 (51,7%)	39 (54,2%)	>0,05
61–70 ёш	19 (21,3%)	15 (20,8%)	>0,05
Ўртача ёш, йил	49,8 ± 10,7	50,6 ± 11,2	>0,05
III босқич	54 (60,7%)	44 (61,1%)	>0,05
IV босқич	35 (39,3%)	28 (38,9%)	>0,05
Анамнез давомийлиги, йил	8,4 ± 3,6	8,1 ± 3,8	>0,05
Тана вазни индекси, кг/м ²	27,8 ± 3,9	28,1 ± 4,1	>0,05

Касалликнинг асосий клиник кўринишлари ва уларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши беморларни қабул қилиш вақтида баҳоланди.

Асосий шикоятлар ички геморроидал тугунларнинг тушиши (иккала гуруҳда 100%) ва дефекация пайтида қон кетиши (85,4% ва 83,3%) бўлиб, клиник кўринишлар гуруҳларда таққосланди (2-жадвал). Ёндош касалликлар — артериал гипертензия (29,2% ва 30,6%), 2-тур қандли диабет (12,4% ва 11,1%) ва семириш (23,6% ва 25,0%) бўйича ҳам фарқ аниқланмади ($p>0,05$).

2-жадвал

Сурункали геморройнинг асосий клиник кўринишлари


Белги	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	p
Тугунларнинг тушиши	89 (100%)	72 (100%)	$>0,05$
Нажасдан қон кетиши	76 (85,4%)	60 (83,3%)	$>0,05$
Оғриқ синдроми	48 (53,9%)	37 (51,4%)	$>0,05$
Анал қичишиш	41 (46,1%)	32 (44,4%)	$>0,05$
Орка тешикдан ажралма	27 (30,3%)	21 (29,2%)	$>0,05$

Текширув клиник, инструментал, функционал, морфологик ва планиметрик усулларни қамраб олди. Ташқи кўрик, бармоқ билан текшириш, аноскопия ва ректороманоскопия, 50 ёшдан ошган ва ичак шикоятлари бўлган беморларда колоноскопия ўтказилди. Аноректал манометрия Solar GI HRAM (MMS, Нидерландия) аппаратида операциядан олдин, 7-кунда ва 6 ойдан сўнг бажарилди. Оғриқ 100 мм ВАШ, ҳаёт сифати SF-36 бўйича баҳоланди.

Морфологик текширув $\times 100$ – $\times 400$ катталаштиришда ўтказилиб, коагуляцион некроз чуқурлиги ўлчанди. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics 26.0 дастурида Шапиро–Уилк, Студент t-мезони, Манн–Уитни U-мезони, Пирсон χ^2 ва Фишернинг аниқ мезонлари ёрдамида бажарилди, $p<0,05$ ишончли деб қабул қилинди.

Асосий гуруҳда операциялар 55,5 кГц частотали Harmonic Focus (Ethicon, АҚШ) ультратовуш скальпелида бажарилди. Тугун латерал текисликда, геморроидал тўқима ва ички сфинктернинг пастки толалари орасида тигнинг ўткир қирраси билан ажратилиб, анодерма ва сфинктерга термик таъсир чекланди.

Гемостаз ва томир оёқчасини кесиш тигнинг кенг юзаси билан 8–12 сония давомида, қўшимча тикувсиз амалга оширилди. 3, 7 ва 11-соатлардаги учта асосий тугун олиб ташланиб, 0,5–1,0 см тери-шиллик кўприкчалар сақланди. Усул босқичлари: тугунни мобилизация қилиш (2-расм), томир оёқчасига ишлов бериш (3-расм) ва операциядан кейинги жароҳатлар кўриниши (4-расм).



2-расм. Тугунни мобилизация қилиш.



3-расм. Томир оёқчасига ишлов бериш.



4-расм. Жароҳатларнинг якуний кўриниши.

Назорат гуруҳида Миллиган–Морган операцияси ERBE VIO 300D монополяр электрохирургик аппарати ёрдамида бажарилди. Геморроидал тугун ташқаридан ичкарига, томир оёқчасигача монополяр электрокоагуляция билан ажратилди, томир оёқчаси эса тикилиб, сўриладиган лигатура билан боғланди. Операция босқичлари: тугунни мобилизация қилиш (5-расм), томир оёқчасини тикиб боғлаш (6-расм) ва операция якунидаги жароҳатлар кўриниши (7-расм).



5-расм. Тугунни мобилизация қилиш.



6-расм. Томир оёқчасини боғлаш.



7-расм. Операция якунидаги жароҳатлар.

Диссертациянинг учинчи боби - «Сурункали геморрой билан касалланган беморларни қиёсий жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари» - деб номланади. Асосий ва назорат гуруҳларида даволаш натижалари интраоперацион кўрсаткичлар, тўқималарнинг термик шикастланиш чуқурлиги, оғриқ синдроми ва анальгетикларга эҳтиёж, ёпувчи аппаратнинг функционал ҳолати, яраларнинг битиши, асоратлар частотаси, реабилитация муддатлари, ҳаёт сифати ва касалликнинг қайталаниши бўйича таққосланди.

Операция давомийлиги ва интраоперацион қон йўқотиш ҳажми жарроҳлик усуллариининг травматиклигини баҳоловчи асосий интраоперацион мезонлар сифатида қабул қилинди.

Латерал ультратовуш диссекцияси қўлланилганда операция давомийлиги 12,9 дақиқага, яъни 1,6 баравар қисқарди (95% ДИ 10,6–15,2; $p < 0,001$), қон йўқотиш ҳажми эса 43,7 мл га, яъни 2,8 баравар камайди (95% ДИ 38,3–49,1; $p < 0,001$) (3-жадвал). Бу тўқималарни кесиш ва коагуляциянинг бир вақтда битта асбоб билан бажарилиши, томир оёқчасини алоҳида боғлаш заруратини бартараф этиши ва қуруқ операцион майдонни таъминлаши билан изоҳланади.


3-жадвал

Таққосланаётган гуруҳлардаги интраоперацион кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	p
Операция давомийлиги, дақиқа	21,8 ± 5,6	34,7 ± 8,4	<0,001
Интраоперацион қон йўқотиш, мл	24,6 ± 9,8	68,3 ± 21,5	<0,001

Операция усулини ўзгартиришни талаб қилувчи интраоперацион асоратлар иккала гуруҳда ҳам қайд этилмади (8-расм).

Тўқималарнинг термик шикастланиш чуқурлиги олиб ташланган тугунларнинг кесим четидаги тўқималарда коагуляцион некроз чуқурлигини морфометрик ўлчаш орқали баҳоланди.



8-расм. Таққосланаётган гуруҳларда операция давомийлиги ва қон йўқотиши ҳажми.


Латерал ультратовуш диссекциясида коагуляцион некроз чуқурлиги электрокоагуляцияга нисбатан 1,55 мм га кам (95% ДИ 1,41–1,69; $p < 0,001$), яъни 2,9 баравар паст бўлди. Некроз ўчоғига туташ тўқималарда термик шикастланиш қайтувчан характерга эга бўлса, электрокоагуляцияда ўзгаришлар чуқур қатламларни қамраб, хужайра тузилмаларининг қайтмас деструкцияси билан кечди (4-жадвал).

4-жадвал


Таққосланаётган гуруҳларда коагуляцион некроз чуқурлиги

Кўрсаткич	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	p
Коагуляцион некроз чуқурлиги, мм	$0,82 \pm 0,21$	$2,37 \pm 0,58$	$<0,001$


Ушбу морфологик фарқлар микрофотографияларда яққол намоён бўлиб (9-расм), оғриқ синдромининг камайиши ва яраларнинг тезроқ битиши билан боғлиқ бўлди.




А – асосий гуруҳ, некроз зонаси



Б – назорат гуруҳи, некроз зонаси



С – асосий гуруҳ, туташ қатлам



Д – назорат гуруҳи, туташ қатлам

9-расм. Геморроидал тугунларнинг микрофотографиялари: коагуляцион некроз зонаси (А, Б) ва унга туташ қатламнинг патоморфологик ўзгаришлари (С, Э); гематоксилин ва эозин, $\times 200$.


Операциядан кейинги оғриқ синдроми интенсивлиги визуал аналог шкала бўйича 1, 3, 7 ва 14-кунларда қайд этилди (5-жадвал).

5-жадвал

Визуал аналог шкала бўйича оғриқ синдроми динамикаси, балл

Кузатиш муддати	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	p
1-кун	4,6 ± 1,2	6,8 ± 1,4	<0,001
3-кун	3,1 ± 0,9	5,2 ± 1,3	<0,001
7-кун	1,4 ± 0,6	2,9 ± 0,8	<0,001
14-кун	0,5 ± 0,3	1,2 ± 0,5	<0,001

Асосий гуруҳда оғриқ синдроми барча муддатларда сезиларли паст бўлди: ВАШ бўйича фарқ 1-куни 2,2 балл, 3-куни 2,1 балл, 7-куни 1,5 балл ва 14-куни 0,7 баллни ташкил этди (барча муддатларда $p < 0,001$). Оғриқнинг камайиши жароҳат реакцияси энг юқори бўлган дастлабки уч суткада яққол намоён бўлди. Анальгетикларга умумий эҳтиёж кеторолакка қайта ҳисоблаганда 146 ± 38 мг дан 78 ± 24 мг гача, яъни 1,9 баравар камайди ($p < 0,001$), бу яллиғланиш реакциясининг камроқ ифодаланиши билан боғлиқ бўлди (10-расм).



10-расм. Визуал аналог шкала бўйича оғриқ синдроми динамикаси.

Тўғри ичак ёпувчи апаратининг функционал ҳолати аноректал манометрия билан тинч ҳолатдаги босим ва иродавий қисқариш динамикаси бўйича операциядан олдин, 6 ва 12 ой ўтгач баҳоланди.

Дастлабки кўрсаткичлар гуруҳларда фарқ қилмади ($p > 0,05$). Бироқ 6 ва 12 ойдан сўнг тинч ҳолатдаги босим назорат гуруҳида кўпроқ пасайиб, мос равишда 55,4 ва 54,8 мм сим. уст. ни, асосий гуруҳда эса 58,9 ва 59,7 мм сим. уст. ни ташкил этди ($p < 0,05$ ва $p < 0,01$) (6-жадвал).

6-жадвал

Аноректал манометрия кўрсаткичлари, мм сим. уст.

Кўрсаткич ва муддат	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	P
Тинчлик босими, операциядан олдин	61,4 ± 10,7	60,8 ± 11,1	>0,05
Тинчлик босими, 6 ой	58,9 ± 9,6	55,4 ± 10,2	<0,05
Тинчлик босими, 12 ой	59,7 ± 9,1	54,8 ± 9,7	<0,01
Иродавий қисқариш, операциядан олдин	142 ± 31	146 ± 29	>0,05
Иродавий қисқариш, 12 ой	141 ± 26	129 ± 25	<0,01

Асосий гуруҳда ички сфинктер тонусининг яхшироқ сақланиши латерал диссекцияда сфинктер аппаратининг камроқ шикастланиши билан боғлиқ бўлди. Анал сфинктер етишмовчилиги иккала гуруҳда ҳам қайд этилмади.

Операциядан кейинги яраларнинг битиш динамикаси тўлиқ эпителизацияга қадар планиметрия усулида баҳоланди.

Яраларнинг тўлиқ эпителизацияси асосий гуруҳда 10,3 кун эртароқ кузатилди ($21,6 \pm 4,8$ ва $31,9 \pm 6,7$ сутка; $p < 0,001$), 14-суткадаги яра майдони эса 2,4 баравар кичик бўлди ($0,62 \pm 0,21$ ва $1,48 \pm 0,39$ см²; $p < 0,001$) (7-жадвал).

7-жадвал

Операциядан кейинги яраларнинг битиши

Кўрсаткич	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	p
Тўлиқ эпителизация, сутка	$21,6 \pm 4,8$	$31,9 \pm 6,7$	$<0,001$
14-суткадаги яра майдони, см ²	$0,62 \pm 0,21$	$1,48 \pm 0,39$	$<0,001$

Яраларнинг тезроқ битиши тўқималарнинг термик шикастланиш чуқурлиги камлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат 3-суткадаги яраларнинг клиник кўринишида ҳам яққол намоён бўлди (11-расм).



А – латерал ультратовуш диссекциясидан кейин



Б – Миллиган–Морган операциясидан кейин

11-расм. Жарроҳликдан кейинги 3-суткадаги яралар ҳолати (бемор Э., 32 ёш).

Операциядан кейинги эрта асоратларнинг частотаси ва таркиби баҳоланди; «асоратли беморлар» қаторида камида битта асоратга эга бўлган беморлар сони ҳисобга олинди (8-жадвал).

8-жадвал

Операциядан кейинги эрта асоратларнинг тузилиши


Асорат	Асосий (n=89)	Назорат гуруҳи (n=72)	p
Иккиламчи қон кетиш	1 (1,1%)	4 (5,6%)	$>0,05$
Сийдик тутилиши	4 (4,5%)	7 (9,7%)	$>0,05$
Кучли шиш	5 (5,6%)	10 (13,9%)	$>0,05$
Анал канал стриктураси	0	2 (2,8%)	$>0,05$
Жароҳат инфекцияси	1 (1,1%)	3 (4,2%)	$>0,05$
Асоратли беморлар	11 (12,4%)	26 (36,1%)	$<0,001$

